

Фаришталар билан кўришар эдингиз



08:00 / 05.01.2021 3214

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг котибларидан бири Ҳанзала ибн Робийъ Асадий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Абу Бакр мени учратиб қолиб, «Қалайсан, Ҳанзала?» деди. «Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. «Субҳаналлоҳ! Бу нима деганинг?» деди у. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида у зот бизга дўзах ва жаннатни эслатадилар, ҳаттоки уларни ўз кўзимиз билан кўргандек бўламиз. Лекин у зотнинг ҳузурларидан чиққанимизда завжаларимиз, фарзандларимиз ва мол-дунёимизга чалғиб, кўп нарсани унутаимиз», дедим. «Аллоҳга қасамки, биз ҳам шундаймиз», деди Абу Бакр. Кейин Абу Бакр билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордик. Кириб, «Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳанзала мунофиқ бўлиб қолди», дедим. «Нима учун?» дедилар у зот. «Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳузурингизда бўлганимизда бизга дўзах ва жаннатни эслатасиз, уларни ўз кўзимиз

билан кўргандек бўламиз. Ҳузурингиздан чиққанимизда эса завжаларимиз, фарзандларимиз ва мол-мулкимизга аралашиб, кўп нарсани унутамиз», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар менинг ҳузуримда бўлган ҳолингизда ва зикрда бардавом бўлсангиз, йўлларингизда ҳам, тўшакларингизда ҳам фаришталар сизлар билан қўл бериб кўришар эдилар. Лекин, (қалб) баъзан ундай, баъзан бундай, Ҳанзала», деб уч марта айтдилар».

Имом Муслим ривоят қилган.

«Солиҳлар гулшани» китобидан